*02/17-сонли ШАРТНОМА*
*Товарни ишлаб чиқариш, ўрнатиш, монтаж қилиш*
*ва ишга тушириш бўйича*

*Тошкент шаҳри* *2022 йил «22» ноябр*

Бундан кейин **«Буюртмачи»** деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи Гулистон Давлат Университети номидан ректор М.Т.Ходжиев ва бундан кейин **«Ижрочи»** деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи **«SUN-HIGHTECH»** масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) номидан Бош директор Э.Т.Абдуллаев (бундан кейин биргаликда **«Томонлар»** деб аталади, ва мазкур шартномада кўрсатилган хар бир юридик шахс **«Томон»** деб аталади) ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I.ШАРТНОМА МАВЗУСИ

**1.1 Ижрочи Буюртмачига** қарашли ҳудудида 25 кВт қувватга эга тармоқ қуёш электр станциясини (бундан буён матнда **«Товар»** деб аталади) ишлаб чиқариш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** қуйдаги манзилда жойлашган – **Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-сонли микротуман** манзилида жойлашган.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бино ва иншоотлардан фойдаланиш бошқармаси томонидан **Товарни** харид қилиш бўйича 2022 йил 10 ноябрдаги 174890-сонли энг яхши оферта лотини танлаш бўйича харид қилиш комиссиясининг баённомаси асосида тузилди.

**1.2 Ижрочи** ушбу Шартномани тузиш вақтида **Томонлар** томонидан келишилган ва имзоланган (Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-илова) мувофиқ **Товарни** ишлаб чиқариш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** томонидан Техник топшириқларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ушбу ўзгаришлар ушбу Шартномага ёзма қўшимча келишув асосида **Ижрочи** билан келишилганидан кейин якуний ўзгартирилган деб ҳисобланади.

## II. ТОВАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

**2.1.** Мазкур Шартнома бўйича **Товарнинг** нархи қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан бирга **250 000 000** (Икки юз эллик миллион) **сўмни** ташкил этади.

**2.2.** Ушбу Шартнома бўйича тўлов **Буюртмачи** томонидан **Ижрочи** ҳисоб рақамига пул маблағларини қуйидаги тартибда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

**2.2.1. Томонлар** томонидан ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шарномани 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган **Товар** қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўлов;

**2.2.2. Товарни** ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича ишлар амалга оширилганданг кейин, ва ушбу ишлар кабул қилиб олинган кундан бошлаб **Товар** қийматинингколган 70 фоизини **Буюртмачи** 3 (уч) иш кунида ичида амалга оширилади;

## III. ТОВАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ЎРНАТИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ

**3.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Ижрочи** томонидан **Буюртмачига Товарни** ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш шартларининг бажарилиши тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб 90 (тўксон) иш кун этиб белгиланади. Шунда **Ижрочи** томонидан ишлар бажарилганда, оби-ҳаво бўзилиши холатлари мавжуд бўлса, яъни ёмғир ва қор ёғса, ва (ёки) мамакалдрок ва туман мавжуд бўлганида, ҳамда кучли шамол эзса, унда ишлар

тўхталиди. Иш жараёни тўхтатишга **Ижрочи** мажбурлиги сабаби, ишчилар баландликда очиқ об-ҳавода тармоқ қуёш фотоэлектр станцияларни ўрнатади ва ушбу станция электр ишлаб чиқаради, ва шунда оби-ҳаво бўзилиши холатлари мавжуд бўлганда электр ток уларни соғлигига катта зарар етқазиши мумкин. Шу сабабдан ишларни меҳнат муҳофазаси бўйича ҳукуматимиз ва ваколатга эга бўлган Давлат органлари кўпгина норматив-меёрий ҳужжатлар қабул қилган, яъни Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2008 йил 17 декабрдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқанган «Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари» ва бошқалар.

**3.2. Ижрочи Товарни Буюртмачига** муддатидан аввал етказиб бериш ҳуқуқига эга.

**3.3. Ижрочи** ушбу Шартнома бўйича ўз Шартнома мажбуриятларини **Буюртмачи** 5 (беш) банк куни ичида **Ижрочининг** ҳисоб рақамига олдиндан тўлов қилинган кундан бошлаб бажаришга киришади.

## IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Томонлар** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ушбу тузилган Шартномани тузиш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

— ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган воситалар ва усулларни қўллаш;

**4.2.** Ушбу Шартнома бўйича **Томонлар** қуйидагиларга мажбурдирлар:

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш;

— тузилган ушбу Шартнома талабларига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш.

**4.3. Буюртмачи** қуйидагиларга мажбур:

- ушбу Шартнома бўйича етказиб берилган **Товар** учун ўз вақтида дастлабки ва якуний тўловни амалга ошириш;

- **Товарни** ўрнатиш тугалланганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, икки кун ичида **Товарни** ўрнатиш бўйича иш хажмини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда **Ижрочига** маълум қилиш.

**4.4. Ижрочи** қуйидагиларга мажбур:

- Ушбу шартномада белгиланган тартибда **Товарни** етказиб бериш;

- **Буюртмачи** вакили иштирокида ушбу Шартнома бўйича **Товарни** ишга туширишни амалга ошириш ва **Товарни** ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда **Буюртмачининг** ёзма ва (ёки) огзаки тавсияларига риоя қилиш;

- техник топшириқлардан четга чиқишларни **Буюртмачи** билан келишиш;

- ушбу Шартномада белгиланган муддатларда **Товарни Буюртмачига** топшириш;

- ушбу Шартномада кўрсатилган **Товарни** ўрнатиш бўйича техник топшириқ ва иш ҳажмини **Буюртмачининг** розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик.

## V. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**5.1.** Ушбу Шартнома бўйича **Товарни** топшириш Буюртмачининг ваколатли вакили томонидан имзоланган **Товарни** икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг якуний топширилган ҳисобланади.

**5.2. Буюртмачи Товарни** топшириш тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида:

- ёки **Товарни** қабул қилиши ва **Товарни** топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаши;

- ёки **Товарни** қабул қилишдан бош тортиши ва **Ижрочига** асослантирилган рад жавобини юбориши керак.

**5.3.** Асосли раддия бўлган тақдирда, тузатишлар рўйхати ва аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилган икки томонлама далолатнома тузилади.

## VI. ДАЪВОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**6.1.** Ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган **Томон** бошқа **Томонга** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда даъволар қўйиш ҳуқуқига эга.

**6.2.** Ушбу Шартнома бўйича даъво аризаси берилган **Томон** даъво олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида ушбу даъвога ёзма жавоб беришга мажбурдир.

**6.3.** Белгиланган муддатларда даъво аризаси рад этилган (қисман рад этилган) ёки жавоб ололмаган **Томон**, тегишли суд қарорини олиш учун Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

## VII. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**7.1.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун **Ижрочи** ва **Буюртмачи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**7.2. Товарни** топшириш муддатлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, **Ижрочи Буюртмачига** кечиктирилган ҳар бир кун учун **Товар** қийматининг 0,05% миқдорида, лекин **Товар** қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

**7.3.** Ушбу Шартномада назарда тутилган муддатларда тўловни ўз вақтида тўламаганлик ва (ёки) кечиктирганлик учун **Буюртмачи Ижрочига** кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

**8.1. Томонлар** Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун, агар уларни бажаришнинг иложсизлиги Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир қилувчи табиий офатлар ёки ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, давлат органлари томонидан ушбу Шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва (ёки) ўзгартириш каби форс-мажор ҳолатлари натижасида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

**9.1.** Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита пул ёки қимматбаҳо нарсаларни тўламайди, тўлашни таклиф қилмайди ёки тўлашга рухсат бермайди. Ҳар қандай шахсларнинг қарорлари ўзгартиришлари учун ёки номақбул устунликка эришиш ёки бошқа номувофиқ мақсадларга эришишга йўл қўймайди.

**9.2.** Томонлар, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда амалдаги қонунчиликда пора бериш(олиш), шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини ёки коррупцияга қарши халқаро актлар талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

**9.3.** Агар томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли томон бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма билдиришномада томон бошқа томон, унинг ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай

қоидалари бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқловчи ёки ишонтириш учун асос бўладиган фактларга ҳавола қилиши ёки материалларни тақдим қилиши керак.

**9.4.** Агар Томонлардан бири ушбу банд қоидаларини бузса, бошқа Томон шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида ёзма билдиришнома юбориш орқали шартномани суддан ташқари бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

## X. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

**10.1.** Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

**10.2. Томонларнинг** ҳеч бири бошқа **Томон**нинг ёзма розилигисиз Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини учинчи томонга ўтказишга ҳақли эмас.

**10.3.** Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха ҳам бир хил ва бир хил юридик кучга эга. **Томонларнинг** ҳар бири ушбу Шартноманинг битта нусхасига эга.

**10.4.** Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

**10.5.** Мазкур шартнома имзолангандан кундан то 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади. Лекин мазкур шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган холатлар мавжуд бўлганда ушбу шатрнома муддати, қонунчиликда белгиланган тартибда, ўзайтирилиши мумкин.

## XI. МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**
**Гулистон Давлат Университети**
Гулистон ш. 4-мавзе
40091086024401709410079001
ИНН 200322757 ОКОНХ 92310
Молия ваз. Газначилиги
Х/р 23402000300100001010
Марказий банк ХККМ
ИНН 201122919 МФО 00014

Ректор М. Хожиев

Б. Каизаев

**«ИЖРОЧИ»**
**«SUN-HIGHTECH» МЧЖ**
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160 уй, Юнусобод кичик саноат зонаси.
Тел: (94) 777-78-88
х/р: 2020 8000 2052 0055 3001
«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ БОШ ОФИСИ, ММТ: 00440
СТИР 307 258 109, ИФУТ 27900

**Бош директор** **Э.Абдуллаев**

**2022 йил 22 ноябр куни 02/17-сонли шартномага 1-илова**

**Шартнома нархини тасдиқлаш баённомаси**

Бундан кейин **«Буюртмачи»** деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи Гулистон Давлат Университети номидан ректор М.Т.Ходжиев ва бундан кейин **«Ижрочи»** деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «SUN-HIGHTECH» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) номидан директор Э.Т.Абдуллаев бошқа томон, Шартноманинг умумий нархи ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда **250 000 000** (Икки юз эллик миллион) сўмни ташкил этиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши тўғрисида келишиб олдилар:

| Т/р | Махсулот номи | Ўлчов бир-лиги | Мик-дори | Нархи (сўм) | Етказиб бериш нархи (сўм) | ҚҚС | | ҚҚС билан нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Фо-из | Миқдори (сўм) | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | 25кВт қувватдаги тармоқ қуёш электр станцияси. Таркиби: Қуёш панелининг умумий қуввати 25 000Вт, Инверторнинг умумий қуввати 25кВт, Қуёш панелларини ўрнатиш учун металлкокнструкция, кабель, шит ва бошқалар. | дона | 1 | 217 391 304,35 | 217 391 304,35 | 15 % | 32 608 695,65 | 250 000 000,00 |
| | **ЖАМИ** | | | | | | | **250 000 000,00** |

Шартнома нархига юқорида кўрсатилган ускунанинг нархи, етказиб бериш, шунингдек, ускунани ўрнатиш ва ишга тушириш харажатлари киради.

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Гулистон Давлат Университети**

Ректор М. Ходжиев.

**«ИЖРОЧИ»**

**«SUN-HIGHTECH» МЧЖ**

**Бош директор Э.Абдуллаев**

2939139

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SUN-HIGHTECH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SUN-HIGHTECH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2020 831331 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307258109

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Mas'uliyati cheklangan jamiyat |
| Joylashgan joyi: | Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 160 uy. |
| Guvohnoma: | Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI (Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi) tomonidan berilgan |

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 174890 на приобретение xarid qilish

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 16:59

Закупочная комиссия Гулистанский государственный университет, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BAIRBEKOV MAMATKUL GAIBNAZAROVICH | Проректор | Гулистанский Государственный Университет |
| **Секретарь комиссии** | XUDOYAROV ADHAMJON AXMATQULOVICH | Хисобчи | Гулистон Давлат Университети |
| **Член комиссии** | O'RAZALIYEV SHUXRAT XUDAYBERDIYEVICH | Главный энергетик | Гулистанский Государственный Университет |
| **Член комиссии** | O'RAZBAQOV ABDUVALI JO'RABOYEVICH | Главный бухгалтер | Гулистанский государственный университет |
| **Член комиссии** | BURXIYEV OLIMJON BOBOYEVICH | АТМ бошлиги | Гулистанский государственный университет |
| **Член комиссии** | YUNUSOV ALISHER PARDAYEVICH | Главный инженер | Гулистанский государственный университет |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 174890.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Фото электрическая панель** |
| Подробное описание | Фото электрическая панель 25 кВт |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 250 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 250 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи томонидан етказиб бериладиган товар (иш-хизматлар)ни сифатли, киска муддат етказиб бериш хакида кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 40 | 40 | 40 | Экспертная | | |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 40 | Кафолат хати | 40 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштирокчининг соликдан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг соликдан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 10 | 10 | 2 | Экспертная | | |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 10 | Солик малумотнома | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчининг коррупцион холатларга йул куймаслиги хакида хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг коррупцион холатларга йул куймаслиги хакида хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 15 | Коррупцияга карши хат | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчи томонидан етказиб берилган товар (иш-хизматлар)и хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи томонидан етказиб берилган товар (иш-хизматлар)и хакида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 15 | Бажарилган ишлар | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштирокчининг юридик маълумотлари манзили, банк реквизитлари ва бошкалар (гувохнома, рахбар паспорти)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг юридик маълумотлари манзили, банк реквизитлари ва бошкалар (гувохнома, рахбар

паспорти)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 20 | Умумий малумотлар | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 250 000 000.00 | 249 000 000.00 UZS | 249 000 000.00 | 00.00 | 249 000 000.00 | 07.11.2022 12:54:58 | 20 |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 250 000 000.00 | 250 000 000.00 UZS | 250 000 000.00 | 00.00 | 250 000 000.00 | 08.11.2022 15:03:17 | 19.92 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО "MIR SOLAR"** | 73.6 | 20 | 93.6 |
| **ООО SUN-HIGHTECH** | 80 | 19.92 | 99.92 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 174890 от 10.11.2022 года на приобретение xarid qilish определила победителем:

ООО SUN-HIGHTECH
307258109

и резервный исполнитель: ООО "MIR SOLAR" (203301930)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BAIRBEKOV MAMATKUL GAIBNAZAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | O‘RAZALIYEV SHUXRAT XUDAYBERDIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | O‘RAZBAQOV ABDUVALI JO‘RABOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURXIYEV OLIMJON BOBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YUNUSOV ALISHER PARDAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Гулистон давлат университети
ректори
_________ М.Ходжиев

**Гулистон давлат университетига Қуёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш бўйича учун ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш(тендер) йиғилиши**

**Б А Ё Н Н О М А С И № 10**

“17” 11 2022 йил Гулистон шаҳар

Танлов савдолари мажлисида Гулистон давлат университетининг 2022 йил 10 майдаги 271-К-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия аъзолари қатнашдилар:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | М.Баирбеков | - | Проректор, комиссия раиси. |
| **Комиссия аъзолари:** | | | |
| 2. | А.Юнусов | - | Бош инжинер. |
| 3. | А.Ўразбаков | - | Бош хисобчи. |
| 4. | Ш.Ўразалиев | - | Бош энергетик. |
| 5. | О.Бурхиев | - | АТМ бошлиги. |
| **Комиссия котиби:** | | | |
| 6. | А.Худояров | - | Хисобчи. (овоз бериш ҳуқуқисиз) |

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

1. **Гулистон давлат университетига Қуёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш учун ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “**Давлат харидлари тўғрисида”** 684-сонли Қонуни хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш хақида”ги 276-сонли қарорига асосан баённинг ижросини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифлар асосида танлаш ўтказилиши тўғрисида 2022 йил 01 ноябр куни « etender.uzex.uz» сайтига №174890-сонли лот билан эълон берилди.

Мазкур объект бўйича танлов ғолиби аниқланиб харид комиссиясининг 2022 йил 10 ноябр кунида баённома расмийлаштирилиб, икки иш кунига электрон тизимга мухокама қилиш учун жойлаштирилди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд емас.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “**Давлат харидлари тўғрисида”** 684-сонли Қонуни 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу ЛОТ: №174890-сонли лот рақами бўйича танлов комиссиясининг баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасига кўра 5 та овоз билан **ООО SUN-HIGHTECH** ғолиб чикди.

Баҳоловчи комиссия аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар билдиришиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 20 майдаги "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш хақида"ги 276-сонли қарори **ижро учун қабул қилинсин.**

**2. Гулистон давлат университетига Қуёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш** бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш орқали **ООО SUN-HIGHTECH** томонидан таклиф этган нархи **250 000 000** (ҚҚСбилан) сўмга танлов ғолиби деб топилсин.

**3.** Қарорнинг 100-моддаси бўйича икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун **ООО SUN-HIGHTECH** билан шартнома тузилсин.

**4.** Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш проректор М.Баирбековга топширилсин.

**Имзолар:**

**Комиссия раиси:** **М.Баирбеков**

**Комиссия аъзолари:** **А.Юнусов**

**А.Ўразбаков**

**Ш.Ўразалиев**

**О.Бурхиев**

**Комиссия котиби:** **А.Худояров**